

## Бомдодга улгурмаслик

10:34 / 12.12.2018 3035

Ассалому алайкум! Бир дугонамнинг айтишича у бомдодга улгуромаётган экан. Маълумки хаво совигач кунлар қисқаради. Хозир бомдод 5:45 да қилиб бда азон айтилаётган экан. Дугонам коллеждан 2 соатлик йўл узоқда туради. Агар бда йўлга отланмаса дарсга кеч қолади. Хозирча бир амаллаб бомдод ўқишга улгураяпти. Аммо кейинчалик кунлар янада қисқаради. У ердан келишга эса фақат 1гина транспорт бор экан. Дугонам қандай йўл тутсин?

### "Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Икки ракъат бамдодни фарзини ўқиш учун кўпайиб кетса 4 дақиқа вақт кетади. Аллоҳга ва охиратга иймон келтирган инсон бу 4 дақиқани чорасини топши аниқ. Намозининг ғамида бўлгани жуда ҳам қувонарли ҳолат. [Аллоҳ](#) хайриятда бардавом қилсин. Валлоҳу аълам!